O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 6 июль № 140 (3415) Сешанба

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2-3 июль кунлари амалий ташриф билан Россияда бўлди.

Президентимиз Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди. Унда Ҳамдўстликнинг сентябрь ойига мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик кўриш, МДҲ доирасида интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Саммит қатнашчилари Ҳамдўстлик доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари, ҳамкорлик самарасини ошириш масалаларини муҳокама этдилар.

Президентлар хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчилик, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қаратдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадков билан учрашди. Мулоқот чоғида асосан мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган ой Тошкентда Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон бу ҳужжатга юқори баҳо беришини таъкидлади.

(ЎзА).



СУРАТДА: учрашув пайтидан лавҳа.
Абдуваҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

***Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан янги парламентнинг қуйи палатаси депутатлигига номзодларни фақат сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.***

## Мустақил ташаббускор гуруҳлар қандай тузилади?

Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикасининг депутатликка номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатиш тўғрисидаги сайлов қонунчилиги» мавзусида бўлиб ўтган семинар-тренинг сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирокининг ҳуқуқий асослари масаласига бағишланди. Уни мазкур комиссия раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, сайлов ҳуқуқига эга фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Гуруҳнинг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Қонунда белгиланган ҳужжатлар аризага илова қилинади. Округ сайлов комиссияси тақдим этилган ушбу ҳужжатларнинг Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, беш кун ичида гуруҳни рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинса, унинг ваколатли вакилига тегишли гувоҳнома ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда бўлиши шарт. Шундан сўнг ваколатли вакил алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Мазкур комиссия имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кун муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади ва қонунда белгиланган ҳужжатларни тақдим қилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу семинар қизғин савол-жавоб тарзида кечди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабарлар оқимидан

### *Ўқувчилар истиқболини ўйлаб*

Миришкор туманидаги Ободон қишлоғида яшовчи ўқувчилар янги ўқув йилини барча шароитларга эга мактабда бошлайдилар. Улар таҳсил оладиган Н. Нуриддинов номли мактаб ўқувчилар учун анча кичиклик қилаётган, устига-устак машғулотлар бир неча сменада олиб борилаётганди. Қишлоқ аҳлига маҳаллий тадбиркорларнинг қўл чўзиши ва айниқса, АҚШнинг CHF халқаро ташкилотининг ёрдамга келиши нур устига аъло нур бўлди.

Натижада 140 ўринли янги бино қад ростлади. Биргина мактаб жамоаси қурилиш учун 7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Қолган сарф-харажатлар эса ҳомий ташкилот ва CHF зиммасига тушди.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

### *Ҳомийлар ҳиммати*

Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи Бухоро нефть ва газ саноати коллежига ўқув-услубий қўлланмаларни сотиб олиш учун 10 миллион сўм маблағ ажратди. Бугина эмас, завод директорининг буйруғига асосан, коллежга "Отайўл" автобуси ҳам ажратилган. Бу автобусда ўқувчилар Қоровулбозор, Назли, Муборак ва Шўртандаги корхоналарга амалий машғулот ўтказиш учун борадилар.

Саккиз йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган ушбу масканда куни кеча 248 нафар ёш дипломли бўлишди. Уларнинг 44 нафари Қорақалпоғистоннинг Устюрт минтақасида ишлаш учун йўлланма олдилар.

**А. ҚУДРАТОВ,**
**"Туркистон-пресс".**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш тузилган эди. Унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат органларининг ходимлари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.***

## КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мажлисни кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Мирбобоев бошқарди.

Кенгаш ислоҳотларнинг ҳуқуқий майдонини танқидий таҳлил этиши, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириши, ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликларни аниқлаши, давлат, жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги аниқ муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши кераклиги таъкидланди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Кенгашнинг 2004 йил иккинчи ярим йиллик иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мажлисда, шунингдек, республикадаги ҳуқуқий даврий нашрларнинг фаолияти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон имкониятларини ривожлантириш соҳасида янада юксакликка эришиш учун ҳуқуқий даврий нашрларнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдилар. Ҳуқуқий даврий нашрлар фаолиятидаги мавжуд камчиликлар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Уларда чоп этилаётган материалларнинг сифатини талаб даражасига кўтариш, нашрларни йириклаштириш масаласини ўйлаб кўриш, ислоҳотлар боришининг таҳлилига таянган ҳолда мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган материалларни кўпроқ чоп этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирилди.

Шунингдек, ҳуқуқий газета ва журналлар қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини нашр этар эканлар, уларнинг барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шартлиги тўғрисидаги қонун талабини бажармаётганлиги ва бундай ҳолат ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётида хатоликлар келтириб чиқариши мумкинлигига эътибор қаратилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

## «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ — 2004»

***Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг "Истиқлол умидлари — 2004" фестивали бўлиб ўтди. "Ардоғимда, қалбимдасан, Ватан!" шиори остида ўтказилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов тадбирни очар экан, ҳар бир мамлакатнинг қудрати ва салоҳияти, жаҳондаги мавқеи кўп жиҳатдан пухта билимли, малакали мутахассислари билан белгиланиши, шу боис аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этувчи юртимизда ёш авлоднинг илм эгаллаши, маънавий камолоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, таълим учун давлат бюджетидан сарфланаётган маблағ Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқорилиги бутун дунёда эътироф этилаётгани бунинг яна бир исботидир.

Бу йил қарийб ўн беш минг нафар ўсмир ўн биринчи синфни битирди. Катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган бу ёшлар — мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган авлод — том маънода истиқлол ва истиқбол умидларидир. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз ёшларига билдирилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ёшлар ижро этган бадиий-мусиқий, ҳарбий-спорт дастурларида миллий истиқлол ғояси, она-Ватанга муҳаббат, ўзаро меҳр-мурувват, халқимизга хос азалий қадриятларни қадрлаш каби улуғвор ғоялар намоён бўлди.

Битирувчиларнинг Ўзбекистон Миллий боғидаги "Наврўз" мажмуи, "Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида ташкил этилган шундай фестиваллари ҳам кўтаринки руҳда ўтди.



**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТДА: фестивалдан лавҳа.**
**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ж.Раупов).

***"Зарафшон" киноконцерт залида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати — WCG 2004 Uzbekistan Preliminary саралаш турнирининг ғолиб ва совриндорларини расмий мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.***

## Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов тадбирни очар экан, анъанага айланган бу каби мусобақаларни ўтказишнинг ўта муҳимлигини таъкидлади. Бундай беллашувлар фуқароларимизнинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириб, компьютерлар, Интернет тармоғи ва виртуал ўйинларга йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқишни янада кучайтиради.

Чемпионат икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда май-июнь ойларида Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкентда ҳудудий саралаш турнирлари бўлиб ўтди. Бу турнирларда барча вилоятлардан 2300 нафар ўйинчи иштирок этди. Геймерлар яккама-якка беллашувларда ва бешта ўйин тури бўйича жамоа таркибида баҳслашди.

Иккинчи босқич — миллий финал 2 июль куни пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказда бўлиб ўтди. Бу ерда чемпионатнинг ҳудудий саралаш турнирлари финалчилари 72 нафар геймер ва 8 жамоа ўзаро куч синашди. Чемпионатда Георгий Горбенко, Сардор Мираҳмедов, Вячеслав Белов, Элдор Камаев ва "PRODIGY" жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Улар жорий йилнинг октябрида Сан-Францискода /АҚШ/ ўтказиладиган Grand Final World Cyber Games 2004 жаҳон финалида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

## Ғалла хирмони юксалмоқда




**НАМАНГАН.** Вилоятда давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома режаси уддаланди. Тармоқ меҳнатчилари қайта ишлаш корхоналарига 190,8 минг тонна сара дон етказиб бердилар.

Қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора жадаллашаётганлиги, хусусан, ер эгасини топаётганлиги пировард натижада ғаллакорларда манфаатдорлик туйғусини кучайтирмоқда. Наманган, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Норин, Уйчи туманларида, кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари, оилавий пудрат жамоаларида гектарлар ҳосилдорлиги 65-70 центнерни ташкил этгани бунинг исботидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, тармоқдан 8,5 миллиард сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва такрорий экинлар экиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**НАВОИЙ.** Вилоят ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 68,5 минг тоннадан зиёд дон топшириб, шартнома режасини ортиғи билан бажардилар. Ҳар гектар ердан йиғиштириб олинган ҳосил 39 центнерни ташкил қилди. Қўлга киритилган ғаллага Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор ва Конимех туманлари ғаллакорлари, айниқса, муносиб улуш қўшдилар. Ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрилганлиги, мавсумда барча техника воситалари ва ишчи кучидан унумли фойдаланилганлиги боис бундай муваффақият қўлга киритилди.

Вилоятда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Сабаби — ҳали ҳосили йиғиштириб олинмаган бир неча минг гектар ғаллазор мавжуд.

**Ўз мухбиримиз.**

**ПАХТАКОР** тумани ғаллакорлари давлатга 24 минг тонна сара дон топшириб, йиллик режани бажардилар. "Мустақил", "Олмос", "Шойзоқ Қилич ўғли" сингари фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 65-70 центнерни ташкил этди.

Айни кунларда вилоятнинг Зафаробод, Мирзачўл туманлари ғаллакорлари ҳам режани бажариш арафасида.

**Ўз мухбиримиз.**

**ЧИНОЗ** тумани ғаллакорлари Тошкент вилоятида пешқадамлар қаторида давлатга дон сотиш шартнома режасини уддаладилар. Қабул пунктларига 14800 тонна ғалла етказиб берилди.

— Ҳозиргача ғаллакорларга етиштирилган ҳосил учун 640 миллион сўм аванс берилди, — дейди "Чиноздон" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Миржалол Ғуломов. — Шу билан бирга, топширилаётган маҳсулот учун ҳам белгиланган миқдорда пул ажратиляпти. Яна 404 миллион сўм маблағни ширкат ва фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига ўтказиш кўзда тутиляпти.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Кейинги йилларда кетма-кет белгиланган шартнома режаларини бажара олмай келаётган **САРДОБА** тумани фермерлари дон қабул қилиш манзилларига 18.800 тоннадан зиёд ғалла топшириб, кўзланган маррадан ўзишди. «Олтин бошоқ» бунёдкорлари давлатга яна 500 тонна дон етказиб беришга аҳд қилишди.

**Журъат АЗИМОВ.**

*Фармон ва ижро*

# Маъмурий ислоҳот ва иқтисодий тараққиёт

**Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ислоҳотлар тобора чуқурлашиб борар экан, ортиқча юклардан, ҳаракатга халақит бераётган омиллар ва одамлардан шунчалик тезроқ қутулиш эҳтиёжи туғилади.**

«Нега шу кунга келиб, мамлакатимизда ислоҳотлар, хусусан, маъмурий ислоҳот кенг қамровли тус олди ва тез суръатларда амалга оширилмоқда?» деган савол туғилиши табиий. Маъмурий ислоҳотга айнан ҳозир катта эътибор берилаётгани чуқур мантиққа эга. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётни эркинлаштиришдир. Эркинлаштиришнинг моҳияти эса марказий ва жойлардаги ҳокимият органларининг ваколат ва вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат ташкилотларга олиб беришдан иборат.

Шу жараённи кўз олдимизга келтирайлик. Ҳокимият органидан муайян ваколат ва вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига олиб бермоқчимиз. Эркинлаштириш амалиёти шуни кўрсатдики, ҳокимиятдаги муайян шахслар ўзлари бажариши лозим бўлган вазифаларни қуйи ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жон деб берадилар. Ҳуқуқ ва ваколатларни, хусусан, назорат қилиш ҳуқуқини эса турли йўллар билан сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бунинг устига, баъзи мансабдор шахслар ўз ҳуқуқларини бериш у ёқда турсин, вазифаларини қуйи органлар ва фуқаролар ташкилотларига ўтказиш билан бир пайтда уларнинг ҳуқуқларини ҳам ўзларига ола бошлайди. Шундай вазиятда қуйи бўғинлардаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш учун юқоридан бўлаётган босимни камайтириш зарур эди. Ижроия ҳокимият тузилмаларини ислоҳ қилиш, уларда банд бўлган ходимлардан 40 минг кишини қисқартириш ана шундай босимни камайтиради ва эркинлаштириш кенг қулоч ёзиши учун шароит туғдиради.

Маъмурий ислоҳот ўтказилишини тақозо қилган энг муҳим сабаблардан яна бири давлат органлари билан мамлакат иқтисодиётининг ўзаро муносабатлари масаласидир. Шўролар тузумидан мустақил мамлакатимизга қолган энг оғир иллат — бу иқтисодиёт устидан тўла тоталитар ҳукмронлик ўрнатилгани эди. Ушбу сарқитдан бирданига қутулиб бўлмасди. Шу боис бунда ҳам босқичма-босқичлик тамойилига амал қилдик. Ундан тўла қутулишдан аввал одамларнинг тафаккур тарзини ўзгартириш, ҳуқуқий асос яратиш, янгича ишлайдиган кадрларни тайёрлаш лозим эди. Ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги тамойилини инкор қилган ва фалаж қилиб даволаш йўлини тутган мамлакатда қандай тангликлар вужудга келгани ва бўҳронлар юз бергани кўпчиликка маълум. Улар фалаж қилиб даволаш, яъни ислоҳотларни яшин тезлигида амалга ошириш, таъбир жоиз бўлса, ҳомиладор бўлмай туриб, бола туғиш пайига тушган эдилар. Мамлакатимиз иқтисодиётида 2001 йилдаёқ Ҳамдўстлик давлатларида биринчи бўлиб ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасидан ошгани биз тўғри йўлдан бораётганимиз ва Президентимиз ишлаб чиққан беш тамойил қанчалик ҳаётий эканининг далили эди.

Бошқарув тузилмаларидаги штатлардан 40 мингтасининг қисқартирилиши катта миқдордаги маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Энди бу маблағларни ижтимоий муҳофазага, иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш мумкин. Бироқ маблағни тежаш маъмурий ислоҳотнинг асосий мақсади эмас. У ана шу ислоҳот келтираётган ижобий оқибатлардан бири, холос. Асосий мақсад эса бошқарув аппаратини ҳозирги кунда у шуғулланиши керак бўлмаган вазифалардан халос қилиш, эркинлаштириш жараёнини институционал жиҳатдан таъминлаш, иқтисодиётнинг эркин ривожланиши учун кенг йўл очиб беришдир.

Маъмурий ислоҳот зарурлигини тақозо қилган асосий сабаблардан яна бири — давлат органлари ва иқтисодиётнинг ўзаро муносабатини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш. Собиқ шўролар тузуми даврида товар ишлаб чиқарувчи ҳам, унга нарх белгиловчи ҳам, уни сотувчи ҳам, турли хизматлар кўрсатувчи ҳам давлатнинг ўзи эди. Кўчада газ-сув сотувчи ва одамларнинг пойабзалини ямаб берувчилар ҳам давлат хизматчилари эди.

Давлатнинг иқтисодиётга бунчалик ёпишиб олиши, уни ўз иродасига тўла бўйсундириши тоталитаризмнинг яққол ифодаси эди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси бозор иқтисодиёти давлатнинг бу даражада аралашувини рад этади. Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга соладиган ҳодисадир. Бироқ бундан давлат бозор муносабатларига мутлақо аралашмаслиги керак, деган хулоса ҳам чиқмайди. Айниқса, бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичларида бундай аралашув мутлақо зарур. Фақат бу аралашув оқилона бўлиши, аста-секин камайиб бориши шарт.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз давлатнинг бозор муносабатларига аралашувини кескин камайтириш палласини бошдан кечирмоқда. Бошқарув тузилмалари шу йилгача товар ва моддий хомашё ресурсларини тақсимлашда квоталар ва лимитлар ўрнатган эдилар. Баъзи қўли эгри бошқарувчилар эса квота ва лимитлар ажратишни бойлик орттиришнинг жуда қулай воситасига айлантириб олишганди. Вазирлар Маҳкамаси баъзи стратегик аҳамиятга молик товарлардан ташқари барча товар ва моддий хомашё ресурсларига ўрнатилган барча квота ва лимитларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор боис мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш йўлидаги жиддий тўсиқлардан бири олиб ташланди.

Ривожланган мамлакатларда давлат иқтисодиётни бошқармайди. Унинг функцияси иқтисодиёт ривожланиши учун ҳуқуқий майдон яратиш ва муайян жиҳатларни тартибга солиб туриш билан чекланади. Бизнинг мамлакатимизда эса давлат иқтисодиётнинг муайян қисмини маълум даражада бошқариб келди. Ҳозир ҳам бунга зарурат мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, давлатнинг иқтисодиёт соҳасига мутлақо аралашмай қўйиши жуда оғир ҳолларга олиб келиши мумкин эди.

Шундай ҳолатни баъзи мамлакатлар мисолида кузатдик ҳам. Бозор инфратузилмасини ташкил қилмай туриб, давлатнинг иқтисодиётни ўз ҳолига ташлаб қўйиши мантиққа зид бўларди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг беш тамойилидан бири бўлган босқичма-босқичлик тамойилининг қанчалик чуқур ва атрофлича ўйланганлиги маъмурий ислоҳот жараёнида ҳам тасдиқланди. Ўтиш даврида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги иштироки асосан икки мақсадни кўзда тутади: иқтисодиётни ўпирилишлардан сақлаш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш.

Маълумки, биз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантираяпмиз. Агар давлат иқтисодиётни бошқаришда иштирок этмаса, бозорни ижтимоий томонга йўналтириб ҳам бўлмасди.

Юқорида қайд этилган сабаблар туфайли маъмурий аппаратнинг бир қисми иқтисодиётни бошқариш билан банд эди. Энди мамлакатимизда бозор инфратузилмаси асосан шаклланиб бўлган ҳозирги даврда ана шу кадрлар ва маъмурий тузилманинг муайян қисми ўз олдига қўйилган вазифани бажариб бўлди. Шундай шароитда маъмурий ислоҳотни ўтказиш объектив зарурият эди.

Маъмурий ислоҳотнинг қанчалик зарурлиги ва ўз вақтида ўтказилаётганини у бошлагандан буён ўтган қисқа вақт ҳам тасдиқлади. Президентимизнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижроси таъминланаётганининг самараси бу.

Маъмурий ислоҳотни ўтказиш ва иқтисодий ўсишнинг салмоқли кўрсаткичларга эришишнинг бир пайтига тўғри келиши тасодифий ҳол эмас. Бу маъмурий ислоҳот ўз даврида ва тўғри ўтказилаётганига яна бир далилдир.

**Абдуллажон БЕГМАТОВ,**
**профессор.**

# Сайловда — ёшлар омили

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Сайлов кампаниясида ёшлар омили» мавзусида республика партиялараро семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси етакчилари ва сиёсий партиялар «Ёшлар қаноти» фаоллари иштирок этдилар.

Маълумки, сайловлар жамият ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, уларда ёшларнинг фаоллик кўрсатиши жамият истиқболига хизмат қилади. Бунинг учун эса сиёсий партияларнинг ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориши, улар ўз дастурларида ёшларнинг манфаатларини кенгроқ қамраб олиши зарур бўлади. Мазкур тадбирда бу борада тўпланган тажрибаларни оммалаштириш, сиёсий партиялар таркибидаги «Ёшлар қаноти» фаолиятини таҳлил қилишга эътибор қаратилди. Бундан ташқари, ёшларнинг сайлов ва икки палатали парламент қонунчилиги билан боғлиқ саволларидан бўлажак сайлов уларда катта қизиқиш уйғотаётганлиги яққол сезилди. Аммо ёшларни сайлов жараёнига тайёрлаш, йўналтириш учун ўтказилаётган бу каби тадбирларнинг баҳс-мунозарали кечишини таъминлаш фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда анжуманда викторина ва турли ўйинлар ҳам ташкил этилгани ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Йирик иншоотлар бунёдкори



*«Ўзсаноатқурилишбанк» инвестиция дастурини аниқ ва масъулият билан бажаради*

«Ўзсаноатқурилишбанк» республика Инвестиция дастурини молиялаштиришни амалга оширишда Ўзбекистон банклари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу жумладан банк мутахассисларининг бевосита иштирокида қурилаётган йирик инвестицион лойиҳалар — Қўнғирот сода заводи, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси, 500 кВли «Сўғдиёна» кичик станцияси, «Шўртан» конидаги юқори босимли сиқиш-компрессор станцияси, «Шўртан-Шеробод» газ қувури ўтказиш, «Ўзгласзайден» ҚКнинг шиша тола ишлаб чиқариш заводи ва бошқалар бор.

Ҳозирги вақтда банк оборотлари ортиб, фаолиятининг кўламлари кенгаймоқда. Ўзсаноатқурилишбанк филиаллари иштирокида республиканинг етти вилоятида ижтимоий комплексни ривожлантиришга ажратилаётган инвестициялар ўзлаштирилиб, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, қишлоқ тиббиёт пунктлари, газ ва ичимлик сув тармоқлари қурилмоқда.

Шундай қилиб, ўтган йили нефть-газ саноатини, энергетика, кимё ва кўмир саноати тармоқларини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган 400 млрд.сўмдан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Тармоқ маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг катта қисми (60 фоиз) «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари томонидан амалга оширилди. Ўзлаштирилган ҳажмнинг учдан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Жорий йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» 500 млрд.сўмдан кўпроқ капитал қўйилмаларни молиялаштиришни мўлжаллаган, шундан 100 млрд.сўмдан кўпроғи давлат манбалари ҳисобидан. Хусусан, Қўнғирот сода заводи қурилишини туғаллаш, Таллимаржон иссиқлик электр станциясининг биринчи энергоблокини ишга тушириш, 53 минг ўқувчи ўринли 110 коллежни, 23 мактаб, 28 қишлоқ тиббиёт пунктлари, 30 та болалар спорт комплексларини қуриш ва ишга тушириш, қишлоқ жойларда 130 км газ ва 60 км ичимлик сув тармоқлари ўтказиш мўлжалланган.

Банк қурилиш иштирокчиларига барча хизматлар мажмуини, молиялаштиришни расмийлаштириш, ҳисоб-китобларда схемалар ишлаб чиқиш ва маблағ ўтказишни қамраб олган тўловларни амалга оширишдан тортиб, молиялаштирилаётган қурилишларда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг муҳандислик назоратини ўтказиш билан бирга қурилишда муҳандислик техник кузатувни амалга оширади. Банкимиз шартнома асосида муҳандислик хизматларини нафақат ўз мижози бўлган буюртмачиларга, балки бошқа тижорат банкларининг мижозларига ҳам кўрсатади.

Шунингдек, банк мутахассислари капитал қурилиш билан боғлиқ бажарилган ишлар ва хизматлар, товарлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун тендер савдолари ўтказиш бўйича танлов комиссиялари аъзоси сифатида, унинг ишида фаол қатнашадилар.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-қарорига асосан банк қурилиш объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни амалга ошираётган иқтисодий қудратли пудратчи ташкилотларни, танлов савдоларида қатнашишга буюртманома ва пудрат шартномаси бажарилишини таъминлаш бўйича банк кафолати ҳамда ўз маблағларига танқислик бўлган ҳолларда уларга кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлайди.

Маълумки, тижорат банкнинг мижозлари қанчалик кўп бўлса, унинг фойдали фаолият коэффициенти шунчалик юқори бўлади. Бугунги кунда «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компаниясининг рейтингида «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакат йирик банклари гуруҳида молиявий фаолият кўлами, банкнинг ишончлилиги ва рентабеллиги миқёси бўйича юқори баллга эга бўлиб, етакчи ўринни эгаллайди.

**Стратегия ва маркетинг**
**бошқармаси.**

t

# Қизилқум хазинаси



*Вилоят марказидан 100 километр узоқликда, чўл ҳудудида жойлашган Конимех туманидаги «Конимех» ширкат хўжалиги иқтисодиёти мустаҳкам жамоалардан ҳисобланади. Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликда 60 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи парвариш қилиняпти. Иш юритишда илғор усуллар қўлланилаётганлиги, чўпонларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаётганлиги боис кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Шу боис чўпонлар йил якунига кўра дивиденд олишмоқда.*

*Ширкат хўжалигида олинган даромад ҳисобига мактаб, шифохона ва болалар спортини ривожлантиришга маблағ ажратиш, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш анъанага айланган. Шу боис ижтимоий соҳада ҳал этилмаган муаммо йўқ.*

**СУРАТДА: илғор хўжаликнинг тажрибали чўпони Ғолимжон Шаропатов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

# 2005 йил — Халқаро физика йили

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилни Халқаро физика йили, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Қарорда қайд этилишича, физика инсониятнинг табиатни англаш, теварак-борлиқ сир-синоатларини тадқиқ этиб, ундан кишилик жамияти учун самара келтириш йўлидаги интилишларда марказий ўрин тутади.

2005 йилнинг Халқаро физика йили сифатида эътироф этилишига яна бир сабаб шуки, келаси йил машҳур олим Альберт Эйнштейннинг физика соҳасида эришган йирик ихтироларига бир аср тўлади. Маълумки, 1905 йилда А.Эйнштейн фотоэлектрон таъсир, электромагнит энергияси ва радиация, нисбийлик назарияси борасида оламшумул янгиликлар қилган эди.

Халқаро физика йили муносабати билан тадбирлар ўтказиш масъулияти ЮНЕСКО зиммасига юклатилган. Шунга мувофиқ, ЮНЕСКО дунё мамлакатлари ҳукуматлари, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро физика йили доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Нью-Йорк.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 5 июлдан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик 18,0 фоиз даражасида белгилади.**

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

# Юлғичнинг йўлини ким тўсади?

**Қўрғонтепа туманидаги «Журналист» фирмасининг раҳбари Абдулла Абжалилов ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда узоқни кўзлади. Ҳатто фирмага ном танлашда ҳам қинғир ниятидан келиб чиқди. Номнинг ўзи ҳам унча-мунча текширувчини сергак торттирсин!**

Шундай қилиб, Абдулла фирмани «Журналист» деб атади. Савдо дўкони, омборига эга бўлмаган, лицензияси йўқ «тадбиркор» 2002 йилнинг май-июнь ойларида Андижондаги «Нон-ризқ» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасидан умумий қиймати 1.399.985 сўмлик 1-навли ундан тайёрланган нон харид қилди. Аммо у сотувдан тушган пулни банкка топширишни «унутди». Бу билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини қўпол равишда бузди.

«Журналист» раҳбари кейинчалик «Охунбобоев» номли макка саралаш масъулияти чекланган жамиятидагилар билан ҳам тил топишди. 30 та хисоб-варақ асосида 165,441 килограмм омихта ем олди. Ҳар килосининг баҳоси 54 сўм 25 тийин бўлган, жами 10,121,086 сўмлик маҳсулот аҳолига қанчадан сотилгани ва олғирга қанча мўмай даромад келтиргани бизга қоронғи. Лекин шуниси аёнки, унинг бирон сўми назорат касса машинасида қайд этилмаган. Наҳотки, бундан солиқчилар бехабар бўлсалар?

Табиийки, ушбу ваколатли ташкилот ходимларининг масъулиятсизлиги ўз навбатида нафси ҳакалак отган Абдулла Абжалиловнинг навбатдаги ғаразли мақсадларига «фотиҳа» берди. У тумандаги «Токтогул» ширкат хўжалигига ҳар бири 13.000 сўмлик 200та кийим-кечак, донаси 2000 сўмлик 420 та китобни етказиб бергач, уларнинг ҳақи — 3.44.000 сўмни буғдой ҳосилидан бўнак ҳисобида ўтказиб берилишини сўраб, «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти раҳбариятига мурожаат қилди. Бунга эришди ҳам: атиги беш куннинг ичида 42.360 килограмм омихта емни олиб чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай эса, айнан шу корхонадан қиймати 1.241.978 сўмлик беш тонна «Рожки» макаронини ҳам қўлга киритди.

Энди Абдулла «Қўрғонтепа пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятини кўз остига олди. Фирма ва корхона ўртасида икки томонлама шартнома имзолангач, у қайта ишловчиларга 6.063.000 сўмлик идора товарлари етказиб бериш мажбуриятини олди. Бунинг эвазига корхона фирмага қиймати 2.530.000 сўмлик 12.000 метр хом сурп ажратди. Ҳолбуки, ўша пайтда корхонанинг кредиторлик қарзи 77 миллион сўмдан, дебиторлик қарзи эса 33 миллион сўмдан ортиб кетган, иш ҳақидан қарздорлиги салкам 9 миллион сўмга яқинлашиб қолганди.

Ҳийла-найранглар билан уч йил мобайнида фирмага 17 миллион 491 минг сўмлик турли маҳсулотлар кирим қилиниб, ҳаммаси нақд пулга сотилди. Аммо бу маблағнинг бир чақаси ҳам банкка топширилмади.

— Фирма давлат рўйхатидан ўтганми? — сўраймиз туман солиқ инспекцияси раҳбари Аъзамжон Абдумўминовдан.

У тасдиқ ишорасини қилади.

— Шунча бемазагарчиликлар бўлса-ю, наҳотки буни сезмасаларинг?

Раҳбар жўяли жавоб бера олмади. Аммо у:

— Камчиликларни тан оламиз. Тўғрилаймиз! — деб таъкидлади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, солиқ ходимлари кўпинча ўз ваколатларидан келиб чиқиб, иш юритмаётирлар. Назоратнинг сусайтириб юборилгани хуфиёна савдога йўл очмоқда. Хусусан, Андижон шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида, Андижон туманини шаҳар билан боғловчи йўллар бўйларида, Қўқонқишлоқ, Пойтуғ шаҳарчаларида бостирмалар тикланиб, уларда қурилиш материаллари, омихта ем сотилмоқда. Хўш, бу маҳсулотлар қаердан келтирилаяпти? Ахир пулларни кўрмай санаётган бу кимсаларнинг маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналари йўқ-ку?! Солиқчилар бу ҳолатларни кўрмаяптими? Нима учун улар Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларда назорат касса машинасини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори талаблари бажарилмаётгани ҳақида бош қотирмаяптилар?

Ҳар нарсанинг ўлчови, чегараси бор. Жумладан, масъулиятсизлик, муросасозликнинг ҳам, албатта.

**Одилжон**
**ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Лондонда ўзбек мусиқасини тинглашмоқда

***Таниқли ўзбек санъаткори, бетакрор овоз соҳибаси Муножат Йўлчиева Буюк Британияда ижодий сафарда бўлиб қайтди.***

Мумтоз ашулалар моҳир ижрочиси ўз гастролини икки минг йиллик тарихга эга бўлган Йорк шаҳридаги “Early Music” миллий маркази концерт залидаги чиқиши билан бошлади. Муножат Йўлчиева томонидан ижро этилган “Қора кўзим”, “Муножат”, “Ёр-ёр”, “Гиря”, “Баҳор”, “Тановар” ва “Айладинг” оҳанглари олқишлар билан кутиб олинди.

Хонанданинг Лондондаги “Purcell Room” залида бўлиб ўтган концерт дастурлари ҳам бу ерда тўпланган ўзбек санъати ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

— Ўзбек мумтоз мусиқасининг чинакам юлдузи Муножат Йўлчиева овози мени тамомила ром этди, — дейди “Asian Music Circuit” ташкилоти раҳбари Вирам Жасан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюда. – Мен унинг санъатида ўзбек маданиятининг қудрати ва сеҳрини ҳис қилдим. Ҳеч шубҳа йўқки, ўзбек мусиқаси дунё санъат дурдоналаридан биридир”.

Муножат Йўлчиеванинг айтишича, ушбу гастроль унинг Буюк Британияга қилган тўртинчи сафаридир.

— Айтиш керакки, бу галги сафаримиз аввалгиларидан тамомила фарқ қилди, — дейди хонанда. — Концерт дастурларимизда инглиз мухлисларининг кўпайганини кузатдим. Куй-қўшиқларимиз ўзбек тилида бўлса ҳам, тингловчиларнинг мумтоз мусиқамизга юксак ҳурмати ва муҳаббати уларнинг нигоҳларидан сезилиб турарди. Санъатнинг сеҳри ҳам ана шунда бўлса керак”.

**Аваз ҲОЖИМАТОВ, “Жаҳон” АА,**
Лондон.



## Милошевич ўзини оқламоқчи

***Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич Гаага трибуналида ўзини ҳимоя қилишга киришди. Маълумки, у 1990 йилларда Болқон можароларида инсониятга қарши бир неча жиноятлар содир этганликда айбланмоқда.***

***Тахмин қилинишича, собиқ президент ўз айбини оқлаш учун Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр, АҚШ собиқ президенти Билл Клинтон ва бошқа дунёнинг кўзга кўринган арбобларини судга чақирилишини талаб қилди. Агар улар келишга розилик бермасалар, трибунал уларни мажбуран судга чақириш тўғрисида махсус қарор чиқариши мумкин.***

## Мамлакат тарихида биринчи бор

***Индонезия тарихида биринчи бор мамлакат президенти тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланадиган бўлди. Шу пайтгача давлат раҳбарини парламент сайларди. Кузатувчиларнинг фикрича, катта ҳудудга ва 150 миллион сайловчига эга бўлган мамлакатда бу каби тадбирни ўтказиш осон кечмаслиги аниқ.***

## Ракета синови

***Ҳиндистонда ядро бомбасини узоқ масофага элтувчи “Агни 1” деб номланувчи ракета синовдан муваффақиятли ўтди, дея хабар берди мамлакат мудофаа вазирлиги. Ракета Ҳиндистон шарқидаги Орисса штатида ишлаб чиқарилган. У 1200 километр узоқликкача уча олади.***



***Ўтган ойда Покистон ва Ҳиндистон Кашмир муаммосини муҳокама қилиш чоғида ядровий хавфсизлик борасида ҳам бир келишувга эришгандилар. Шунга қарамасдан, икки давлат ҳам қуролланишга зўр бермоқда.***

## Маълумот инкор этилди

***“Ал-Қоида” билан алоқадор Ансар ас-Сунна гуруҳи Ироқда гаровга олинган америкалик денгиз пиёда аскари ўлдирилди, деган хабарни инкор этди. Террорчиларнинг икки интернет сайтида америкалик ҳарбий ушбу гуруҳ жангарилари томонидан қатл этилганлиги тўғрисида хабар тарқатилганди.***

***“Ал-Жазира” телеканали 21 июнда Фаллуж шаҳри яқинида дом-дараксиз кетган Вассеф Али Ҳасан жангарилар томонидан гаровга олинганлиги тўғрисида хабар берганди. Бироқ АҚШ ҳарбийлари бу маълумотни расмий тасдиқлаганича йўқ.***

## Португалиянинг кўз ёшлари

Шундай қилиб, нафақат европалик, балки жаҳондаги барча футбол мухлисларини 22 кун ҳаяжонга солган кўҳна қитъа чемпионати якунланди. Энг қизиғи, у катта шов-шув билан тугади. Чунки, ҳатто куни кеча ҳам, ҳеч ким Грециянинг Европа чемпиони бўлишига ишонмаганди. Финал ўйин олдидан мутахассислар юнонлар имкониятини юздан бир деб баҳолашганди.

Финал арафасида фақат башоратчи-ю мутахассислар эмас, футболчилар ҳам ўз фикрларини билдиришди. Масалан, Португалия терма жаоаси ҳужумчиси Нуну Гомиш ўз жамоаси ғалабасига ишонганди. “Биринчи ўйиндаги мағлубият бизнинг қаҳримизни келтирди, — деди у. — Ўша нокаутдан сўнг ўзимизга келиб улгурдик ва жамоамиз бугун чемпионат олтин медалига асосий даъвогар. Биз қитъада биринчи бўлишдек орзуимизга етиш арафасида турибмиз...”

Греция футболчилари эса сал камтарроқ бўлишди. “Ўйин чемпионатнинг дастлабки матчидан бошқача кечади, — деди грек ўйинчиси Ангелос Басинас. — Бу ҳар бир жамоа учун сўнгги имконият. 90 дақиқа давомида ҳар нарса бўлиши мумкин. Зеро, ушбу учрашувда кимдир ғалаба қозониши шарт. Аввалгисида эса дуранг ҳам ўйнаш мумкин эди. Биз имкониятимиз даражасида ўйин кўрсатамиз. Бу мағлубиятга учрашга ҳам тайёрмиз деганимиз эмас”.



Мутахассислар ушбу учрашув икки мураббий, икки тактика баҳси бўлади, деб ҳам таъкидлашганди. Бу сафар португалияликларнинг бразилиялик мураббийси Луиш Флипе Сколари тактикаси грекларнинг немис мураббийси Отто Рехагель тактикасидан мағлубиятга учради. Финал ўйин Португалия терма жамоасининг ҳужуми билан бошланган бўлса-да, 57- минутда улар дарвозасига гол киритилди. Ушбу ягона тўп муаллифи Ангелос Харистеос бўлди. Шундан кейин майдон эгалари тинимсиз ҳужумлар уюштирди. Лекин ҳисобни тенглаштириш уларга насиб этмади.

Чемпионат якунланди. Мутахассислар турли хулосалар билдиришади, албатта. Аммо бугуноқ бир гапни бемалол айтиш мумкин. Энди учрашувлар, чемпионатлар тақдирини битта, иккита юлдузлар эмас, жамоавий ўйинлар ҳал қилади. Бунга Греция термасининг ғалабасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тўғри, жамоада юлдузларнинг ролини бутунлай инкор этиб бўлмайди. Франция ва Англия термалари ўйини ҳамда Зидан киритган голларни эсланг. Лекин жамоавий ўйин бугун биринчи ўринга чиқаётгани ҳақиқат.

Португалия термаси ҳеч қачон бу йилгидек чемпионликка яқин эмасди. Шунинг учун ҳам мағлубиятни футболчилар ҳам, мухлислар ҳам кўзда ёш билан кутиб олди. Греклар эса аллақачон қаҳрамонга айланиб бўлишганди. Улар сўнгги ўйинда мағлубиятга учрашганда ҳам ҳеч ким эътироз билдирмасди. Шунга қарамай, юнонлар ғалаба учун курашдилар ва мақсадларига эришдилар.

Яна бир гап. Бошқа чемпионатлар каби Евро-2004да ҳам кўплаб футбол юлдузлари кашф этилди. Криштиану Роналду, Милан Барош, Уэйн Руни каби футболчиларни бугун дунё таниди. Улар ўз маҳоратлари билан икки йилдан сўнг Германия стадионларида ўтадиган жаҳон чемпионати ўйинларини ҳам безашига ҳеч шубҳа йўқ.

**Б. УММАТОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ
### Янгиликлар, воқеалар, далиллар

***Афғонистон:***

# ТИКЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ МУАММОЛАР

Афғонистонда “Толибон” ҳукмронлигига барҳам берилганига салкам уч йил бўлди. Хўш, шу давр ичида мамлакатда қандай ўзгаришлар рўй берди?

Айтиш мумкинки, ҳар қандай давлатнинг тўла оёққа туриб олиши учун уч йил жуда кам фурсат. Шунга қарамай, марказий ҳукумат Афғонистон иқтисодини қайта қуриш, шаҳар ва қишлоқ инфратузилмаларини тиклаш, аҳолини иш билан таъминлаш, олий таълим ҳамда тиббиётни оёққа турғазиш, қочқинларнинг ўз ватанларига қайтиши учун шароит яратиш борасида қатор ишларни амалга оширди.

Ҳамид Карзай Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар ёрдамида ўз таъсир доирасини, мамлакат бўйлаб кенгайтириш, бошқарув тизимида миллий мувозанатни сақлаш, хорижда таҳсил олган, прогрессив ислоҳотларни қўллаб-қувватловчи мутахассисларни ҳукуматга жалб қилиш сиёсатини илгари сурмоқда.

Узоқ давом этган фуқаролик уруши оқибатида бутунлай издан чиққан иқтисодиётни тиклаш жараёни қийин кечиши табиий. Шунга қарамай, Ҳамид Карзай ҳукумати 2004 йил январь ойида умумафғон Луйя Жирғасида Конституция лойиҳасини узоқ муҳокамаю тортишувлардан сўнг қабул қилишга эришди. Асосий қонуннинг қабул қилиниши мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа бўлиб, афғон халқининг тараққиёт йўлига чиқиб олиши, ҳудудда том маънодаги тинчлик ва барқарорликка эришиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун муносиб замин яратди.

Афғонистон ҳаётида сезиларли сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, мамлакатдаги вазиятни ҳануз барқарор деб бўлмайди. Бунга марказий ҳукуматнинг жойлардаги мавқеи ва таъсирининг етарли даражада мустаҳкам эмаслиги, қўпорувчилик ҳамда террорчилик ҳаракатларининг давом этаётганлиги, миллий армияни тиклаш жараёнининг суст амалга оширилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар суръатининг пастлиги, мамлакатда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва тарқалишининг кескин тарзда ўсиб бориши ҳам беқарорликни келтириб чиқармоқда.

Афғон ҳукумати тўлақонли бошқарув тизимини ҳануз ўрната олмади. Бир неча минтақа ҳамон маҳаллий ҳарбий қўмондонларнинг таъсири остида қолмоқда. Бундан ташқари, халқаро тинчликпарвар кучлар ваколатини кенгайтириш жараёни террорчилик ҳаракатлари хавфи ошганлиги сабабли қийин кечмоқда.

Сўнгги пайтларда Афғонистоннинг жануби ва жануби-шарқий вилоятларида марказий ҳукумат ва АҚШ манфаатларига қарши йўналтирилган террорчилик ҳаракатлари кўлами анча кенгайди. Карзай ҳукуматига мухолифатда бўлган гуруҳларнинг фаолияти халқаро радикал диний марказлар томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда толиблар ва “Ал-Қоида” тарафдорлари ўз кураш тактикасини ўзгартирди. Энди улар кенг кўламли ҳарбий ҳаракатлар эмас, балки психиологик таъсирга эга бўлган террорчилик амалиётларини содир этишмоқда. Афғонистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ходимларини ўлдириш, гаровга олиш ва мамлакатдаги тинчликпарвар кучларнинг ҳарбий базаларини ўққа тутиш ҳолларининг анча кўпайганлиги бунга далил бўла олади.

Марказий ҳукумат томонидан НАТО ёрдамида ҳарбий гуруҳларни қуролсизлантириш ва аҳоли қўлидаги қурол-яроғларни йиғиштириб олиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам унчалик ижобий натижа бераётгани йўқ. Бу ҳол Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Маблағ етишмаслиги эса ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, миллий армия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тузишда бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Афғонистон гиёҳванд моддалар етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгалламоқда. 2003 йилда мамлакатда 3,5 минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилган.

Бу иллатга қарши курашиш борасида орттирилган халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мазкур соҳада куч ишлатиш етарли самара бермайди. Ғарб давлатлари мутахассисларининг фикрича, гиёҳванд моддалар етиштириш ва унинг савдосига қарши курашиш бўйича масъул бўлинмалар ташкил этиш ва бу борада тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш зарур.

Маълумки, Боннда бўлиб ўтган йиғилиш қарорига мувофиқ ўтган ойда мамлакатда президент сайлови ўтказиш режалаштирилганди. Бироқ молиявий етишмовчиликлар ҳамда жойлардаги кескин вазият туфайли жараён кечикмоқда.

Германия ҳукуматининг ташаббуси билан жорий йилнинг 31 март куни Берлинда Афғонистон иқтисодини тиклаш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда 54 мамлакат ва турли халқаро молиявий ва сиёсий ташкилотлардан юқори мартабали вакиллар иштирок этишди. Мазкур анжуманда асосий эътибор халқаро донорлар томонидан афғон иқтисодини тиклаш ишларига ажратилаётган молиявий ёрдам ҳажмини ошириш ва мамлакатда юзага келган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш ҳамда президентлик сайловларини ўтказиш масалаларига қаратилди.

Ўйлаймизки, мазкур конференция натижалари афғон иқтисодини тиклаш бўйича халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган тадбирларни жадаллаштиришга ҳамда мамлакатда тўлиқ барқарорлик ўрнатилишига муносиб шароит яратади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳамид Карзай томонидан мамлакатда олиб борилаётган сиёсат ва ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, афғон иқтисодини тиклаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. ШҲТнинг Тошкент саммитида Афғонистон етакчисининг Ўзбекистон ташаббуси билан таклиф этилиши, йиғилишда мамлакатдаги бугунги вазиятнинг муҳокама қилиниши ҳам бизнинг ҳукуматимиз жанубдаги ён қўшнимиз ҳудудидаги воқеаларга бефарқ эмаслигининг исботи бўла олади.

Ўтган йилнинг 17-18 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эронга ташрифи доирасида мамлакатимиз ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида уч томонлама битим имзоланди.

2003 йилда ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Афғонистон ҳудудида ўнта кўприк қурилиб, ишга туширилди. Термиз—Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга кейинги йилларда 1,5 миллион тонна ҳажмда инсонпарварлик юклари ўтказилди.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг бир қанча мутасадди ташкилотлари афғон иқтисодини тиклаш жараёнида иштирок этиш мақсадида Афғонистонда ўз ваколатхоналарини очиш учун тараддуд кўрмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан бир қаторда афғон иқтисодини тиклаш жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Йўлдош УЛЮКОВ, халқаро шарҳловчи.**

## Тартибсизликлар келтириб чиқаргани учун

***Туркия маҳаллий матбуотининг хабар тарқатишича, ҳукумат Истамбул марказида намойишга чиққан курд миллатига мансуб 14 одамни қамоққа олишга буйруқ берган. Намойишчилар полициячиларга тош ва бўш шишалар отиб, тартибсизликлар келтириб чиқаришди. Полиция уларга қарши кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланди.***

***Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, намойишчилар курдлар етакчиси Абдулла Ажалонни ҳимоя қилиб чиқишган.***

## Ким яхши яшайди?

Европанинг йирик компанияларидан бўлмиш Harris Interactive навбатдаги ижтимоий сўровнома ўтказди. Ушбу сўровномани ўтказишдан мақсад, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания ва Италия аҳолисининг ўз мамлакатлари ҳамда АҚШ, Россия, Канада, Япония ва Хитой каби давлатлардаги ҳаётнинг турли жабҳалари борасидаги фикрларини билиш эди.

Европаликларнинг фикрича, ҳаётдан тўла баҳраманд бўлаётган инсонлар канадаликлар экан. Бу мамлакат учун сўровномаларни тўлдирганларнинг 42 фоизи овоз берган.

Сўров натижаларига қараганда, Канада ва Франция энг салоҳиятли конституция ва давлат бошқарувига эга.



Европаликларнинг фикрича, Испания (19 фоиз), Канада (18 фоиз) ва Франция (16 фоиз) энг самарали ҳукуматга эга. Бу борада АҚШ олтинчи (7 фоиз), Россия тўққизинчи (3 фоиз), Хитой эса ўнинчи (1 фоиз) ўринни эгаллаб турибди.

АҚШ “энг кучли иқтисодиёт” номинацияси бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Япония (26 фоиз) ва Канадага (23 фоиз) насиб этди.

Сўровнома дунёдаги экологик аҳволга ҳам аниқлик киритди. Унга кўра, экологияси тозалиги билан намуна бўлиши мумкин бўлган мамлакатлар Канада (41 фоиз), Германия (29 фоиз) ва Франция (16 фоиз) экан. Тадқиқотлар натижасида Франция (28 фоиз), Германия (22 фоиз) ва Буюк Британия (15 фоиз) соғлиқни сақлаш тизими яхши йўлга қўйилган мамлакатлар деб топилди.

**Хуршид РАУПОВ.**

## «Boeing» яна пешқадам

Американинг машҳур “Boeing” компанияси мамлакат ҳарбий-денгиз флоти учун янги самолётлар етказиб беришни йўлга қўйиш мақсадида Пентагон эълон қилган тендерда муваффақиятга эришди.

Пентагон расмийлари хабарларига кўра, янги машина эски “Boeing-737” асосида қурилади. Шу кунга қадар “Boeing-737” йўловчи ташишга ихтисослашган эди. Эндиликда ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилган.

Янги авлод самолётлари сувости кемаларини излаб топишга ихтисослашган. Пентагон ва “Boeing” ўртасидаги тузилган шартнома ҳозирча 3,9 миллион АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда.

“Boeing”нинг муваффақияти унинг мамлакат авиабозоридаги рақиби “Lockheed Martin” компаниясига қимматга тушиши мумкин. Пентагон эълон қилган танлов учун “Lockheed Martin” компанияси энг яхши самолёти Р-3 га ўзгартиришлар киритишга рози бўлганди. Шунга қарамасдан, бу компания Америка мудофааси учун ўз ҳиссасини қўша олмайдиган бўлди.



Пентагон вакиллари маълумот беришича, ҳукумат “Boeing”га 20 миллиард долларга тенг маҳсулотга буюртма бермоқчи. Бу эса ўз навбатида компания учун анчадан бери кутилган даромад манбаи бўлиб қолди.

Айни кунларда “Boeing” компанияси синов учун илк самолётларни чиқариш устида бош қотирмоқда. Яқиндагина компания ўзининг янги самолётини тақдим этиб, дунё авиакомпанияларини доғда қолдирганди.

“7E7 Dreamliner” русумдаги самолёт энг замонавий ҳаво кемаси ҳисобланади. Бу самолётнинг ўзига хос томони шундаки, у одатдагидан 20 фоиз кам ёнилғи сарфлайди. Ушбу ҳаво кемасининг ичида доимо нам ва соф ҳаво бўлиши ишлаб чиқарувчилар томонидан кафолатланган.

“7E7 Dreamliner” модели “Boeing” га аввалги обрўсини тиклашига ёрдам берди. Ўтган ўн йил ичида компания ишлари у қадар юришмаётган эди. Бунинг устига Европанинг “Airbus” консорциумининг кескин рақобати туфайли “Boeing” анчагина ҳолсизланиб қолганди. Ўтган йили “Airbus” самолётлари дунёда биринчиликни эгаллаганди. Чунки бир вақтнинг ўзида бортига 555 одамни сиғдира оладиган “А380” модели энг даромадли самолётга айланганди.

Мутахассисларнинг фикрича, 2008 йилга келиб “7E7 Dreamliner” дунё авиабозорида яккаҳоким бўлиб қолиши мумкин. Аммо буни вақт кўрсатади.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА.**
Вашингтон.

ЎЗБЕКИСТОН - КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ
MEKSKORT INDUSTRIES
Тошкентда ишлаб чиқариб ва омборхонасидан чакана ва улгуржи нархларда
ЭЖК A2DII русумли оқ тунукадан, олий сифатли «БЕКАЖОН», шиша банкаларни консервалаш учун
ҚОПҚОҚЛАРНИ сотади.
Оддий ва литографияли, икки маротаба лак қопламали.
Тўлов шакли — турли усулда.
Қопқоқларнинг сақланиш муддати — 2 йил.
Тел.: 136-00-33, факс: 136-12-21.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 19-уй.
Товар сертификатланган

ESENYA
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE




БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.




Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

